




СОВЕТ ИТТИФОКИ ВА ХУР ДУНЁ НУКТАИ НАЗАРИДАН ТУРКИСТОННИНГ СТРАТЕГИК АХВОЛИ*

Куйида атокли олим, тарих фанлари доктори Б.Хайитнинг “Совет Иттифокида туркликнинг ва Ислоннинг баъзи масалалари” (Истанбул, 1987) китобидан олинган бир маколасини ўқувчилар ҳукмига ҳавола этаётимиз. Макола АҚШ, Англия, Олмония, Индонезия, Туркия каби йирик мамлакатларда, шунингдек, араб юртларида ўнлаб тилларда газет, журналларда босилган. Ўзбек тилида биринчи марта эълон қилинмоқда. Ундаги баъзи атамалар, айрим фикрлар бироз эскирди. Чунончи, “Совет Иттифоки” деган атаманинг ўзи истеъмолдан тушди. Бир қатор жумҳуриятлар ўз Давлат мустақиллигига эришдилар. Аммо макола ҳамон ўз қимматини йўқотгани йўқ.

Туркларнинг бешиги сифатида қабул қилинган Туркистон бу кун Ўрта Осиё ва Қозоғистон деб юритилмоқда ва 4 миллион квадрат километрли тупроқлари билан Совет Иттифоки ҳудудининг 20 фоизини ташкил этмоқда. 15 иттифокдош жумҳуриятдан 5 таси (Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон) Туркистондир.

Туркистон, маълумки, дунёнинг муҳим цивилизация марказларидан ҳисобланади. Бу ўлка 1925-йилдан бери Совет терминологиясида “Ўрта Осиё ва Қозоғистон” бўлиб қолди. Совет идора органлари бу ўлканинг исмини рад этиб, туркистонликлар орасида миллатга мансублик онгини йўққа айлантириш ниятида зўр бериб “Туркистон” номининг қўлланилишига қаршилиқ қилдилар. Одамни хайратлантирувчи ва янглиш бир шаклда, баъзан гарблик тадқиқотчилар ҳам 1950-йилдан буён совет таъбири бўлган “Ўрта Осиё”ни қўлламоқдалар. Шу тариқа гарб афкори умумиясида ва Ислон оламида “Туркистон” қалимасининг унутилишига ҳисса қўшиб, совет нуқтаи назарига хизмат

килмокдалар. Туркистон бутун Ўрта Осиёни юзага келтирмокда, факат Ўрта Осиё тупроклари ичида бўлмокда. Дунё комусларида (масалан: Америка энциклопедияси, Британия энциклопедияси, Брокхаус энциклопедияси ва бошқаларда) бу ўлка жўгрофий жихатдан очик-ойдин суратда “Туркистон” сифатида зикр этилмокда.

АКШ Конгрессининг 1959-йил июл ойида қабул килинган “Асир Миллатлар Хафтаси” номли конунида ҳам аён суратда “Туркистон” исмининг қўлланилиши диққатни ўзига тортади. Шуларга карамай Радио Либерти (Озодлик радиоси)нинг рахбарияти 1978-йил кузида ўз нашрларида “Туркистон” ўрнига “Ўрта Осиё ва Козогистон” таъбирини қўлланиш мажбуриятини ўртага қўйди. Шундай килиб, жуда катта обрўга эга бўлган Америка ташкилоти, АКШ Конгрессида қабул килинган конунга зид иш килди. Агар Гарбда, совет терминологиясида Ўрта Осиё (“Централ Асиа”) атамаси ўрнига “Туркистон”ни қўлласайдик ва ўзимизни совет таъсиридан химоя килиб, бу ўлканинг миллий борлиги ва шахсиятини рад этмасайдик, фойдалирок ва одилрок бўлардик.

Бу кун Туркистонда яшаётган 42 миллион инсондан 32 миллиондан ортигини турк ва мусулмон бўлган ўзбеклар, козоклар, киргизлар, туркманлар, коракалпоқлар, уйгурлар, татарлар, озарбайжонлар ва тожиклар ташкил килмокда. Булардан колган халк эса рус мустамлакачилари (идора персоналлари, аскарий персоал) ва бу минтакага жойлаштирилган украинлар, белоруслар, эстонлар, литваликлар, олмонлар ва корейслардир.

Умуман, маълумки, Туркистоннинг бу кунги тупроклари 1715–1897-йиллар орасида Россия томонидан одим-одим ишгол этилгандир. Шунга карамай, Бухоро ва Хева давлатлари Чор Русияси замонида ич ишларида мустакилликларини саклаб колгандилар. Факат бу давлатлар ҳам 1920-йилда совет тажовузи оқибатида “Бухоро ва Хева совет Халк Жумхуриятлари” ўларок эълон этилдилар. Совет ҳукумати бу икки давлатнинг мустакиллик ҳақларини музокаралар чоғида қабул этган эди. Аммо 1924-йилда совет ҳукумати бир уруш операцияси йўли билан бу икки давлатнинг чегараларида ёйилиб ва таҳдид этиб, давлат борликларига барҳам бериб, амалда тупрокларини ҳам ўзига қарам килди.

Совет Иттифокининг идора кучлари, Туркистоннинг дунё сиёсатидаги ва стратегик аҳамиятини халқлардан яширмокдалар. Биз бу ҳолни хусусан қуйидаги соҳаларда кўряпмиз.

Туркистон Осиё ва Оврупо орасида боғланиш бунёд этган кўприқдир

Туркистон Татар-Бошқирдистон, Сибирия, Мўғулистон, Хитой (Хитой ҳокимиятидаги Шарқий Туркистон билан), Хиндистон, Покистон, Эрон ва Кавказия билан муштарак чегаралари бўлган жўғрофий бир макондир. Туркистонга қўшни бўлган бу ўлкаларнинг катталиги 33 миллион квадрат километрга тўғри келади. Бу ўлкалар Туркистоннинг 4 миллион квадрат километрлик юз ўлчови билан биргаликда жуда катта жўғрофий минтака эканлиги шак-шубҳасиздир. Туркистон ва унга қўшни бўлган ўлкалар маданий, иқтисодий ва диний нуктаи назардан бир-бирлари билан мустахкам боғлиқдирлар. Туркистондан Оврупога ва Ўрта Шарқ ўлкаларига қулай ва қисқа йўللардан бориш-боғланиш мумкин. Масалан, Москва Туркистон чегарасидан ҳаво йўли ила 1000 км, Краков – Украина 770 км, Ростов – Дон 711 км, Арзрум, – Туркия 1010 км, Бағдод – Ироқ 1210 км, Техрон – Эрон 640 км, Кобул – Афғонистон 290 км узоқликдадир. Рақамлардан ҳам аёнлашадигани, Туркистоннинг Оврупо, Ўрта Шарқ ва Ич Осиё билан боғланиш имконлари жуда қулайдир. Бундай бир геополитик минтака узра жойлашган Туркистон Совет Иттифокига ҳар турли ташаббуслар имконини бермоқда.

Туркистон Совет Иттифокининг бебаҳо ҳарбий истехкомидир

Совет Иттифоки Туркистонда қўшни ўлкаларга қарши икки ҳарбий округига эга. Туркистондаги Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон Совет Жумҳуриятлари орқали Ўрта Шарқ, Хиндистон ва Покистон давлатлари ва Ўрта Осиёдаги Козогистон, Қирғизистон Совет жумҳуриятлари орқали Хитой ва Мўғулистон давлатлари контрол қилиб борилади, керак бўлганда ижро этиладиган ҳарбий операциялар шу икки ҳарбий округ томонидан планлаштирилади ва амалга оширилади. Ҳар икки ҳарбий округ ҳам энг замонавий қуроқлар билан таъминланган бўлиб, совет ҳарбий идораси томонидан ҳам ҳамлақорлик қилиш жуда юксак баҳоланмоқда. Бу икки аскарий қўмондонлик айна замонда Шарқда қўтарилиши мумкин бўлган масалаларга қарши совет аскарий идорасининг стратегик ва тактик жиҳатдан илк планлаштириш марказлари бўлиб қабул қилинмоқда. Туркистон, Ўрта Шарқ, Ич Осиё, Оврупога қарши совет планлари ва амалга оширадиган тадбирлари жиҳатидан ҳам етакчи қуч сифатида саналмоқда. Бутун дунё жамоатчилиги, 1979-йил декабр ойидан буён Совет Иттифокининг Афғонистонга қилган қўшинининг Туркистондаги ҳарбий округ томонидан планлаштирилганини яхши билиб олди. Туркистон геополитик ва табиий жўғрофияси ҳолатига қўра (жуда кенг ва ранг-баранг майдон эканлиги: саҳролар, водийлар, жарлар, тоғлар) атом бомбаси, ракеталар, қўқларнинг эҳтиёт қисмлари қаби совет қўш воситалари ва Совет Армиясининг едириб-қилириши қўн керакли бўлган маҳсулотларни сақлай олувчи асосий омбор бўлиб диққатни тортмоқдалар. Совет Иттифоки ракеталарини ўт олдирувчи ва ҳаракатга солувчи майдон ҳам Туркистоннинг Бойқўнгир шаҳрида жойлашгандир.

Совет Иттифоки керак холларда эhtiёжи бўлган уруш материалларини Туркистонда созлаб (ўнглаб) олиш имконига ҳам эгадир. Сталин 1943-йилда сўзлаган бир нуткида ўз фикрини изохлаб: “Ўрта Осиё Совет Жумхуриятлари ва Козогистон (яъни Туркистон) Кизил Армиянинг энг мухим курул омбори бўлганини” маълум килган эди. Биз, бошка совет наشريдан ҳам 1942-йилда Совет Иттифокининг бутун тупрокларида фойдаланилган харбий материал ИИ жахон урушидан олдин Туркистонда тайёр килиб кўйилганлигини ўргандик. Бундан ҳам, Совет Иттифоки керакли холларда Совет Армиясининг эhtiёжи бўлган бутун харбий материалларини Туркистонда созлаб олиш имконига эга, деган маъно чиқмоқдадир. Туркистондаги совет курулли кучларининг Ўрта Шарқдаги бутун ўлкалардан кучли эканлиги очик-равшандир.

Туркистон Совет Иттифокининг хом-ашё базасидир

Афкор оламга маълумки, Туркистон советларнинг энг кимматли хом ашё базасидир, буни советларнинг ўзи ҳам бир неча бора эътироф этганлар. Совет индустриясининг хом моддага бўлган эhtiёжини коплашда бу ўлка хал килувчи рол ўйнамоқда. Бу ҳақда “Бу кунги Туркистоннинг сиёсий ва сотсиал манзаралари” номли маколамизнинг бир бобида бахс юритгандик. Бу ердаги гапларга кўшимча килиб шуни айтиш мумкинки, Туркистонда яна нихоятда бой запасга эга бўлган уран, олтин, кумуш ва платина конлари мавжуддир. Бир совет газетасида Туркистоннинг бой казилма бойликларига мисол килиб шундай маълумот берилган: “Козогистон Совет Жумхуриятида хар йили 120-130 миллион тоннага якин темир, 100 миллион тонна нефт ва 35 миллион тонна пўлат олинади”.

Туркистоннинг ер ости манбалари нормал бир шаклда Совет Иттифокининг бутун эhtiёжларини коплайди.

Туркистоннинг зироат бойликлари ҳам кенг бир суратда маълум бўлмоқда. Совет Иттифокидаги бутун пахта хосилининг 95 фоизи, мева махсулотларининг 60 фоизи, каноп хосилининг 100 фоизи, пилланинг 75 фоизи, гуручнинг 65 фоизи, каучукнинг 100 фоизи, коракўлнинг 100 фоизи Туркистонда тайёрланмоқда. Туркистон айни замонда Совет Иттифокининг учинчи катта хубубот ётоғидир. Туркистоннинг иктисодий бойликлари Совет Иттифокига дунёнинг иктисодий сиёсатида бир супер куч бўлиб ўз сўзига эга бўлиш имконини беради. Туркистоннинг иктисодий бойликлари бўлмасайди, Совет Иттифокининг эришган муваффакиятларига эришуви тўғрисида гап ҳам бўлолмасди.

Туркистон Шаркда коммунизмнинг таъсир марказидир

Туркистон коммунизмнинг Шаркдаги энг илгор курулган кучи бўлиб майдонга чиқиши керак, деган тушунчаси, совет идорасининг куйидаги гоёлари коммунизмнинг Шаркда ёйилиши борасида Туркистоннинг ўйнаган ролини тўла-тўқис намоён этмоқда:

“Туркистон Шаркда гоёларимизнинг таъсир марказидир”;

“Туркистон коммунистик инқилоб микробини Шаркдаги ёйишчи бўлиши керак”;

“Туркистон тарихда Осиёнинг Оврупога очилган эшиги ролини ўйнаган. Хозир эса Оврупо учун (Русия учун деб тушунаверинг) Осиёга очилган эшик ролини ўйнаши керак”;

“Шарк халқлари келажакда сотсиализм ва коммунизмдан кочиш кутулолмайдилар”.

Совет Иттифоқининг Шарк сиёсатида Туркистон қандай масалаларда керак бўлиши ва янада аниқроғи Шаркда коммунизмнинг ёйилишига хизмат қилиши зарурлиги мавзусида совет идорасининг бундан бошқа яна бир қанча кўрсатмалари бордир.

Кенг жамоатчиликка маълумки, советлар коммуизмни Шаркда (айниқса, Ўрта Шаркда) тарқатиш учун олис масофаларга қўл узатганлар. Бу ерда мисол тариқасида совет ибораси бўлган “Тошкент руҳи”нинг тугилишини кўрсатиб ўтиш ўринли бўлар эди. Осиё, Африка ва Жанубий Америка ўлкалари учун 50-йиллари Туркистонда ташкил қилинган халқаро конференция ва симпозиумларда Туркистоннинг оз ривожланган мамлакатлар учун “Совет системасининг мўжиза модели” сифатида тақдим этилганини ва қанча ривожланаётган мамлакатларда кўпгина тарафдор ва симпатия қозонилганини эслайлик. Аслида Совет Русияси ҳокимияти остида эзилиб ётган Туркистон гўё ривожланган машъал жумҳурият сифатида кўрсатилиб, у орқали советлар тарафидан Ислом ўлкаларида қанчадан-қанча тарғибот олиб қилинганини унутиб бўлмайди.

Совет Русияси Афғонистонни ишғол этгандан кейин, коммуизм аввал Русиядан Туркистонга қиритилганлиги ва қурулган кучи билан ўрнатилганлиги ойдинлашиб қолди. Коммуизм бу сафар айтиш мумкин бўлган методлар билан Афғонистонда иш олиб бормоқда. Бу орада 20000 дан ортиқ туркистонлининг Ўрта Шарк ўлкаларида совет мутахассислари сифатида иш қўрганлиги ва советларнинг бўйсиниш орттириш мақсади билан қўлланганлиги ҳам қайд этишга аризулик бир ҳусусдир.

Совет рус империализмининг миллий муштакиллик масалаларидаги афсоналари ва

буларнинг Шаркдаги таъсирлари дунё ахлига маълумдир.

Руслар томонидан икки марта забт этилган Туркистон (биринчиси чоризм даврида, иккинчиси Совет Русияси замонида) мустамлака сифатида миллий борлигини давом эттиришга, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва ҳурриятларидан баҳраманд бўлишга ҳақли эмасдир. Туркистон Москванинг жуда кескин ва каттик контроли остида қолган. Совет Иттифоқи Туркистонни босиб ушлаб туриш учун қўлидан келган ҳар нарсани қилган. Шунга қарамай, Туркистон ҳақли равишда мустақиллик истагидан ҳеч қачон воз кечмаган. Биз бу ҳақиқатни 1918–1934-йиллар орасида (1923-йилгача жуда кенг миқёсда) олиб борилган миллий-озодлик урушларидан, совет маданияти остида яшаётган туркистонлиларнинг миллий маданиятлари, урф ва одатларини сақлаб қолиш учун олиб борган курашларидан, ислом динининг коммунизмга қарши олиб бораётган кураши таъсирларидан ва нисоят, туркистонлиларнинг ИИ жаҳон уруши пайтидаги курашларидан тушуниб олишимиз мумкин. Бу кун Афғонистонда сизинди бўлиб яшаётган минг-минглаган туркистонлиларнинг (ўзбек, туркман ва тожик) совет ёйилмачилигига (совет аскарлари ва гоёларининг Афғонистонга зўравонлик билан киритилиши ва у ерларда ўрнашиб қолиб кетишга интилиши назарда тутилмоқда) қарши афғон муҳожирилари билан бирга энг олдинги сафларда урушганлари ҳар бир киши билиши лозим бўлган ҳақиқатдир. Айни чоқда, Совет Армиясининг Афғонистонга киритилиши асносида совет сафларидаги туркистонли аскарларнинг Афғонистонга қарши жанг қилишга рози бўлмаганлари ҳам аён бўлди. Советлар шу сабабли мусулмон ва турк бўлган бу совет ватандошларини жабаҳадан қайтармоққа мажбур бўлгандилар. Мана шуларнинг ҳаммасидан, коммунизм туркистонлилардан содиқ совет ватандошларни бунёдга келтириш имконига эга бўлолмаган, деган ҳақиқат келиб чиқади.

Туркистонда мустақиллик курашининг бошланиши дунё сиёсати ва хусусан, Ўрта Шарк сиёсатида гарбли кучларга ва шарқдаги мусулмон ўлкаларга қимматли бир стратегик позиция олиб берди. Туркистоннинг миллий мустақиллика қовушишини талаб қилувчи асосий иш шундан иборатки, энг олдин Туркистонда миллий шуурнинг катта куч қасб этишига эришиш керак. Фақат шундан кейингина Туркистон муаммоларини ҳал этиш мавзуи билан шугулланиш мумкин бўлади. Гарбли кучлар ва ислом ўлкалари Туркистон миллий мустақиллигини таъмин этиш йўлида муштарак дўстлар бўлиб биргаликда курашмоқлари лозим. Мустақил Туркистон давлатининг қурилиши – Русия ва Хитойнинг бир-биридан ажралишини, Ўрта Шарқда совет таъсирининг тугатилишини, шундагина Ўрта Шарк ўлкаларининг беҳавотир яшашлари мумкинлигини англаб етмоқ керак. Фақат шундагина Туркистон Шарқда, ислом оламига ва ҳур дунёга очилади ва ҳур дунё ҳам Туркистон экономикасига боғлана олади. Фақат шундагина Туркистоннинг миллий борлиги таъмин этилади.

Туркистон мустақиллигини талаб этиш асло Совет Иттифоқининг ички ишларига

аралашиш деб баҳоланмаслиги керак. Совет Конституцияси шаклан бўлса-да, Совет Жумҳуриятларига хохлаганлари тақдирда СССРдан чиқиш ҳукукини берган. Байналмилал принциплар ўрин олган декларацияларда, масалан, Бирлашган Миллатларнинг 14-декабр 1960-йилда эълон қилинган “Мустамлакачилик ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳукуклари” номли декларация ва 19-декабр, 1968-йили қабул этилган “Миллатлараро пакт”, “Маданий ҳукуклар” билан боғлиқ декларацияда “Туркистоннинг миллий борлигини ҳимоя қилиш ҳукуки ва инсон ҳукуклари” рад этилмагандир. Дунё тарихида биринчи марта 1959-йилда АКШ Конгресси қабул қилган “Асир Миллатлар Хафтаси” қонунида Туркистон ҳам асир миллатлар орасида саналгандир. Бу қонун мустақиллик талабларини ўртага қўйиш учун бебаҳо бир маънавий манба бўла олади. 1965-йил май ойида Саудия Арабистонининг Макка шаҳрида ўтган “Дунё мусулмонлари бирлиги” халқаро йигилишида Туркистон билан алоқадор бўлган қарорлар қабул қилинган.

Бирлашган Миллатлар Бош Ассамблеяси йигилишларида “колониализм”га оид олиб борилган муҳокамаalarda Туркистонда рус колониализмига барҳам бериш ва бу ўлқанинг миллий мустақилликка қовуштирилиши мавзуларида байналмилал чиқиш фурсатлари бўлди. Юқсак тараккий этган миллатлардан инглиз тамсилчиси 26-ноябр 1962-йилда бўлган Бош Ассамблея йигилишида сўзга чиқиб, жумладан қуйидаги очик гапларни ўртага қўйди:

“Айни тарихларда мустақил Марказий Осиё давлатларининг ўз маданиятлари билан бирга руслар томонидан мустамлака қилинганлиги ҳаммага маълум. Сўнгра Козок давлати 1854-йилда рус бўйинтуруғига кирди. 1876-йилда Туркистондаги уч ўзбек давлатининг ишғоли тугалланди. 1880-йилда бутун Туркменистон Русия ҳокимияти остига кирди. Ўртача ҳисоб билан айтганда бир аср кейин, 1957-йилда Гана, 1960-йилда Нигерия мустақилликка қовушдилар. Ўрта Осиё тупроқлари (Туркистон)нинг мустақилликка қовушадиган пайти қачон бўлади?”

Сўралиши керак бўлган асил сўроқ шудир. Совет ҳукумати бу саволга бу қунгача жавоб бермади. Лекин Бирлашган Миллатларга аъзо ҳеч бир ўлка Совет Иттифоқидан, бу саволга қачон жавоб бўлади, деб сўрагани йўқ. Шу сабабли савол ҳамон жавобсизлигича турибди. Дунё афкори умумияси “Совет ўрта Осиёси” (“Туркистон”) қачон мустақиллигига қовушади, саволини беришга, Москвадан бу борада бир жавоб олишга, берилажак жавобни муҳокама қилишга ва бу йўлда Туркистоннинг мустақиллиги учун тайинли бир қунни белгилашга ҳақлидир.

Туркия туркчасидан ўзбек туркчасига Миразиз АЪЗАМ уйғунлаштириб, нашрга

тайёрлади.

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 1992-йил, 8-май.

ХАЛКИМГА СЎЗ

АЛХАМДУЛИЛЛОХ РАББИЛ ОЛАМИЙН.

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокот.

Азиз ватандошларим. Сизларга, сизларнинг фарзандингиз Боймирза Хайит мурожаат килмоқдадир. Азиз ватандошларим, 52 йил ватандан жудоликда, Ватандан ташқари узок мамлакатларда яшадим, миллатим дея тушундим, бутун борлигимни, гоямни, вужудимни ва фикр-хаётимни миллатимизнинг тақдири, ўтган кунлари ва келажакдаги истикболи деб, фаолиятларда бўлидим. Табиий, мухожирликнинг аччиқ-чучук шартлари, Ватансизлик, бошқа миллатлар орасинда яшашлик, кийин бир ҳолда фаолиятларда бўлимок табиати ила осон бўлмаган бир масала эди. Алхамдулилло, Ватан деб, миллат деб, яъни унинг озодлигини талаб этиб, узок йиллар ҳаракатда... Қўлда қалам билан майдонда бўлиб келинди. Ватанимнинг бир фарзанди сифатида кўп-кўп ҳақоратларни мен Советлар Иттифокининг матбуотларидан ва Туркистонимиздаги матбуотлардан, айниқса, совет коммунист матбуотларидан, ёзувларидан, китоб ва рисола ҳамда мақолаларидан кўрган бўлдим. Фикрларимга қарши ёки менинг шахсимга қарши 436дан ортиқ китоблар, рисоалар, мақолалар ёзилди ва бунингда баробар телевидение ва радиоларда, курултойларда, менинг фикримга қарши, айниқса шахсимга қарши ҳужумлар, тухматлар, игволар юритилди.

Мени қотил дедилар, судга берилишимни илтимос қилишди, аммо судга беролмадилар. Фашист дедилар, фашистлигимни исбот этолмадилар, ватан хоини дедилар, мени ватан хоини бўлганимни исбот этолмадилар. Ленин миллий сиёсатини сохталовчи, дедилар, аммо Ленин миллий сиёсатининг сохтакорлигини Москва ёки Туркистондаги совет арзандалари энди ўз кўзлари билан кўриб турибдиларки, энди Ленин миллий сиёсати сохтакорлик сиёсати экан. Буржуа миллатчиси дедилар, табиий, мен миллатчи бўлиб, ўз миллатимни бошқа миллатлар устидан юқори кўтариш учун эмас, ўз миллатимизнинг ўз холинда мустиқ яшаши, эркин нафас олиши, бахтли ва саодатли яшаши, ўзимизни ўзимиз тарафимиздан идора этилиши талабларида бўлдим. Бу табиийдир, миллатимни севиш аломатидир, буни бир миллатнинг бошқа миллат устидан ҳокимлигини таъмин этадиган фикр сифатида кўриб бўлмайди ва бунингда, бундай сўзлар асосидан тузилган игволарни ҳам ҳазм қилдик. Аллоҳ бугун бизнинг ҳақли бўлганимизни, совет режими ва унинг туркистонлик хизматчилари бу соҳада буюк бир тарихий ёлгон қилганликларини бугун ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Аллоҳнинг раҳми ила эски

совет сотсиалист республикалари бирлиги, деган бир императорликнинг чўкиши, 16 миллионга якин аъзоси бўлган, хаммани титратган, хаммани кўрkitган зулмнинг хукмронлари бугун ўртада йўқдирлар...

Алхамдулилло, биз энди коммунизм идеологиясининг ҳокимиятидан кутила билдик. Аммо биз коммунизм руhini ташиган, эски вақтда бу руҳдан тарбияланган одамларнинг ҳокимиятидан кутила билдикми, мен буни билмайман, буни сизлар биласизлар. Биз коммунизмдан айрилган, ўзларини миллий раҳбар деб атаган ватандошларимиз факат устидаги кийимларини ўзгартирдиларми, буни ҳам мен билмайман. Аммо, миллат бундай одамларнинг ўз миллатига хизмат этишига секин-секин даъват этади, агар даъватни самимий қабул этмаса, хаттоки, демократик ҳуқуқлар билан, жанжал-гавголар, ур-йикитлар билан эмас, ўзининг талабларини, қонуний талабларини ва табиий ақлни ҳимоя қилиб бугунги раҳбарлардан масъулият талаб қилиши мумкиндир. Бизнинг халқ кўп қийинчиликларни кўрди, зулмнинг не бўлганлигини кўрди, мазлум бўлиш осон, аммо мазлумликдан қутулиш қийин эканлигини ҳам кўрди.

Маълумингиздирки, Туркистон истилоси 182 йил давом қилди. 182 йилдан бери Туркистон билан Русия ўртасида уруш, гавго, ўлиш, ўлдириш давом қилди. Мағлуб бўлди, мағлуб бўлди, ҳоким бўлдилар. Оғиз очолмайдиган даражага келдик. Ҳоким давлат, мустамлакачи ҳокимлар мустамлака бўлган бизлардан ўзининг таржимонларини, ҳамтовокларини, хайбарақаллачиларни топа билган эди. Унутмайликки, бизнинг бошимизга келтирилган фалокатлар факат Москва режимининг, совет режимининг ёки совет регионида яшаган русларнинг ягона кўли билан эмас, балки уларга ҳомий бўлган ўз ватандошларимизнинг жирканч кўллари ва жирканч қалблари билан идора этилган эди. Буни шунинг учун ҳам унутмаслик керакки, биз бугун истиклолга эришган бўлсак, истиклолнинг қонуни асосида кўринишига эришган бўлсак, аввалам, Аллоҳнинг раҳмати, қолаверса, халқимнинг асрлар бўйи тўккан қонининг ёки қонларининг бугунги натижасидир. Унутмаслик керакки, чор Русияси давринда, яъни Туркистон чор Русияси ҳокимиятлиги остига қиргандан кейин 4600 дан кўпроқ исён кўтарилди. 1919-йилги исёни ҳам унутманг. 1916-йилги кўзъғолон у замонда Петербургда Русияга қарши очилган 2-фронт деб ҳисобланарди. Буни ҳам унутмангиз. 1918-йилдан 1934-йилгача давом қилган 16 йилги мужодала, буни совет руслари босқинчилик дедилар, – у ҳақиқий миллий озодлик қураши бўлиб, тарихимиз, қонли тарихимизнинг буюк бир фожиаи кўринишидир. Биз босмачилик дедикларини тухмат деб биламиз. Миллий ҳуррият, исломобод бўлсин, Туркистон туркистонликларники бўлсин, Туркистонда мустақил давлат бўлсин... дея ўртага чиққан бизнинг фидокор, қаҳрамон одамларимиз жаҳдаларда қарши қурашиб, миллий ҳақларини қуроқ билан талаб қилган вақтларида 2 миллиондан ошиқроқ кишимиз шаҳид бўлдилар. Шаҳидларимизнинг руҳлари шод бўлсин, ё Оллоҳ! Нима учун бу қадар кўп қон тўқилди, яъни бу алдамчи, ёлгончи болшевиизм миллатларга ҳақ-ҳуқуқ бермаганлигининг оқибати бўлди. “Босмачилар” деб аталган буюк миллий мужодалага қарши қурашда туркистончилар эмас, совет рус ўрдусининг 140 ва 160 минг қуроқли, замбаракли ва

кувватли курулларга эга бўлган аскарлари курашдилар. Биз яна ишгол этилдик, иккинчи марта ишгол этилдик, аммо миллат ўларок таслим бўлмадик ва таслим бўлиш ниятида ҳам эмасмиз. Бизнинг бошимизга тушган кўп-кўп кийинчиликлардан бириси – халк билан ҳокимият орасиндаги алоқасизлик бўлди. Халк совет коммунизм режимининг қурбони бўлди. Халкдан сўраб келинган бир иш йўқдир. Тайин этиладиган амалларга функционерларни – партия одамларини ва давлат одамларини тайин этиб, халкдан сўрамасдан халкни идора эта бошладилар, яъни шоиримиз, шахид шоиримиз Элбекнинг дедигидек, йирткичлар мажлисинда арслон бўрини, маймунларни, кўйларни ва тулкини мажлисга даъват этиб, кўйларни идора этиш учун ким керак деганда, тулки чиқиб: “кўйларни идора этадиган ягона қувват бўрилардир”, дебди. Арслон: “Ха, бундай бўлса кўйларни бўрилар идора этсин”, дебди. Бизнинг ҳам шаклимиз бу бўлди. Биз каби одамлар кўйлар деб ҳисобланди. Тулкининг тавсияси билан бўрилар бизга ҳоким бўлди. Бизнинг яшашимизни табиий ҳолда кўрмасдан йирткич бўрилар ҳаётимизни тўнкара бошлади, бунинг оқибатини ўзингизлар кўп кўрдингизлар. Оллоҳ бундан кейин будай жазоларни, бундай дахшатни, бундай пасткашлик зулмини бошимизга келтирмасин. Халк билан ҳисоблашиш энг муҳим масаладир, халк билан ҳисоблашиш ва халкка ҳисоб бермок демократиклигимиз, системнинг, яъни давлатни идора этмок системининг асосий қонунидир. Агар халкнинг розилигини олмасдан, халкнинг овозини олмасдан қилинган бир иш бўлса, бу халкка хизмат, демократик йўл билан халкка хизмат эмас, балки бир тўда инсонларнинг бирлашган янги диктатураси бўлиб ўртага чиқаверади. Бу сабабдан келажакда халк масаласига кўп диққат қилишимиз керак бўлади. Истиқлол деган билан ҳали оғзимиз ширин бўлмади. Аммо истиқлолимиз эълон қилинганидан кейин унинг нақадар тотли эканлигини ҳис этмокдамиз. Оллоҳ истиқлол қонунини муборақ этсин. Бизларни ўз мамлакатимизнинг, ўз миллатимизнинг тақдири, келажаги ва унинг таракқиёти, бахт-саодати учун ишлашга илҳом ва мажбуриятлар юқласин.

Кўп вақт йўлларда ёки бошқа жойларда бўлган вақтимда ёки бўлмаса тушқунлик қуруларимда ҳар доим Чўлпони эслаб келдим. Бизнинг шахид, мужоҳид ва кўп жозибали шоиримиз Чўлпон ўзининг “Халк” деган шеърида:

*Халк денгиздир, халк тўлкиндир, халк қучдир,
Халк исёндир, халк оловдир, халк ўчдир...*

*Халк қўзғалса, қуч йўқдирким, тўхтатсин,
Қувват йўқким, халк истагин йўқ этсин.*

*Бир қўзғалур, бир қўпирар, бир қайнар,
Бир интилуру, бир ҳовлиқар, бир ўйнару.*

*Йўкликни-да, очликни-да йўк этар,
Ўз юртини хар нарсага тўк этар.*

*Бутун кучни халк ичиндан олайлик
Кучок очиб халк ичига борайлик!*

Будир бизнинг асосий гоямиз: халкдан халкка, халк ишидан халкимизнинг хаёти ва бахт-саодатига боришимиз керак бўлади. Табиий, бизнинг бошимиздан кечирилган мазлум хаётларнинг сабаблари ўзимизда биров бор. Хар вақт ташкари кувват – душман бизга зарар келтирди дейишимиз мумкин, келтирди, аммо бу келтиришнинг сабабларини англаб билишимиз керак. Машхур шоир, адиб, драматург, сиёсатчи, профессор Абдурауф Фитрат ўзининг “Темур саганаси” деб аталган сахна асарида дейди: “У Темурнинг сўзи сўзиди. Амир Темурни сўзга чиқариб, Амир Темурнинг шиддатли бир овози билан миллатга хитобни ахтаради. Кўринг – Амир Темур нима дейди. “Мен сизларга кўп нарсаларни қолдирдим. Не бўлдики, бу замонларнинг шарафли ва жасур миллатининг зулми остида қолмиш. Қимлар боғларимнинг қушларини қувмоқда. Оталар меросидан нима қилдингизлар. Сизлардан талаб этеюрим, қалқингиз, сизларга амр қиламан, қалқингиз! Ўлкамизни тузатингиз. Авлодларимни хур яшашини таъмин этингиз. Агар бундай қилмасангизлар, ўлка, яъни мамлакат буюқ бир мазорлик ҳолига қелажақдир”.

Табиий, бундай мазорликни қилишда ўзимизнинг ҳам айбимиз қам эмас. Орамиздан қикқан ҳоинларнинг роли ҳам қам эмас. Аммо булар ўтишга керак, ўтиш ҳам керак. Аммо ҳоинларимизнинг миллатимиз бошига қелтирган фожияларини ҳам унутмаслигимиз керак. Ёшларимизга бўлган, ўтган ҳодисаларимизни, шарафли ўтмишимизни ёки орамиздан қикқан баъзи бир шарафсиз ҳолларни ҳақиқатлар билан, яширмасдан тўғри ҳолда ўргатишимиз керак. Ҳақиқатдан кўрксам, Аллоҳдан ҳам кўркмаган бўламиз. Чунки Аллоҳ хар доим ҳақсеварлар, ҳақ истаганларнинг орзу-ҳаваслари ва ниятларининг ижроси учун ёрдамчи бўлгандир. Аммо биз кўп вақт алдандик, миллатимизни алдадилар, алдатдилар. Бунинг учун ҳам машхур шоир, адиб ва драматург Абдурауф Фитрат ёзадики: “Биз мусулмонлар, ёлғиз алданмоқ учун дунёга қелдикми. Бойимиз, ишчимиз, хўжамиз, талабамиз, адибимиз, фалсафачимиз, буюкимиз, қичигимиз Оврўпонинг газетасига, қитобига, сўзига, ишига, қонунига, низомига, олтиниға ва қизига алданишдан бошқа нарсани қилмадилар”.

Буни ҳам унутмаслигимиз қерақдур. Қелажақда биз халкимизнинг истиқболини таъмин

етиш масаласида кўп ўйлаб, тушуниб, кенг усулда халкимизга хизмат киламан, деб ҳаракатда бўлишимиз керакдур, шартдур. Агар бундай килмасак, истиклолимизни эълон қилиб ўтирмасдан, яна бизга ҳокимлар ўз истаганларини юритаверсинлар, биз уларга кул бўлиб хизмат килаверамиз, деган маъно ҳам келиб чиқиши мумкин. Бундан қутилиш учун, табиийдирки, ўз истиклолимизнинг мевасини кўришга ҳаракат қилишимиз керак бўлади. Аллох миллатимизни, шу ,жумладан, сизларни ва бизларни ўз паноҳида сақласин. Чет мамлакатларда бўлган беш миллионга яқин мусулмон, туркистонлик мухожирлар Ватандан йироқда яшамоқдалар. Улар эрталабдан кечгача дуолар билан, ҳаракатлар билан, умидлар билан мамлакатимизни озодлигини, мамлакатимиздаги халқни хурликда яшашини Аллохдан орзу-хавас этмоқдалар. Аллох буларни ҳам улушсиз қолдирмас. Биз кўлимиздан қелгани қадар Ватаннинг хизматида бўлиб қелдик, бундан кейин ҳам Ватан йўлида хизмат қилишга ҳозирмиз. Аммо сохтакорларга хизмат қилиш тарафдори эмасмиз. Биз ҳолис, демократик равишда сайланган ҳукумат ва демократик қонунга асосланган инсон ҳақларига итоат этган ва қурган, миллатимизни ҳурмат этган раҳбарларни истаймиз. Биз ватан ташқарисида қолдик, аммо ҳар қуни, ҳар соат қалбимиз Ватан билан бўлиб қелди. Биз Ватаннинг биринчи озод бўлган инсонлари деб ҳис этамиз ўзимизни. Бу эса кўп қийин масаладир. Биз, аввал, озод бўлдик, аввал, озод бўлишганда мажбур бўлдик. Коммунизмнинг энг жирканч ҳуружи бўлган сталинизм даврининг қурбонлари бўлдик. Қайси қуш ўзининг қимматли бўлган гулидан айрилмоқни истайди. Бизни ватандан қетишга мажбур қилишди. Бизни ҳоинлар дедилар. Бизни муллаю феодаллар дедилар, аксилинқилобчи дедилар, ўғрилар дедилар. Чет мамлакатлардаги империалистларнинг қуллари, хизматқорлари деган игволар билан кўрсатдилар, аммо аслида биз ундай эмас эдик. Буни иншооллох, келажакда тарих сизларга яна кўпроқ ўргата билади. Аллохдан сизларга бахт-саодатлар, миллий истиклол йўлида муваффақиятлар тилайман. Ҳар вақт қалбим ҳар ерда сизлар билан бирга, бахт-саодатингизга эга бўлинглар, бу бахт-саодат миллатимизнинг бахт-саодатидир. Айни замонда бу менинг ҳам бахт-саодатимдир. Миллатимиз ўлмаса, ҳар биримизнинг бу ҷамият ишида, бу миллат ишида ўйнаган ролимиз бордир.

Бизнинг борлигимиз, шўбамиз бўлсин, ишчимиз бўлсин, ҳаммолимиз бўлсин, ҳаммаси бизникидир. Табиати бузук инсонларимиз ҳам бордир, аммо табиати, феъли-ҳўйлари ёмон деб уларни қўчага ташлаш керак эмас. Уларни ҷамиятимиз ичига олишимиз керак. Инсоф, ахлоқ, миллат ила баробар яшамоқни ўргатишимиз керак. Бизнинг мамлакатимизда меҳмон бўлиб, яшашга мажбур бўлганларни, миллий озчиликдаги гуруҳларнинг ҳаётини таъмин этишимиз керак. Уларни сихат-саломатликлари ва роҳатда яшашларига ёрдам беришимиз керак. Айни замонда шуни ҳам қилиб қелдик. Бизга қелган, озчиликда бўлган миллий гуруҳлар ўз миллатимиз бўлган турк, яъни маҳаллий халққа қараганда баъзилари ҳаттоки, яхши ишлаган бўлиши ҳам мумкин. Аммо бу демак, эмаски биз келажакда уларга қарши бир нарса чиқарамиз. Йўқ, игволарга йўл бермаслигимиз керак. Биз тарихимизда адолатли инсонлар бўлиб қелганмиз. Қаршимизда бириси нонсиз бўлса, нон бериб қелганмиз, суви қолмаганларга сув етқазиб берган одамлармиз. Бунинг учун бизга қарши қилинган игволардан мумкин қадар қутилишимиз керак.

Мухим масала – халкимизнинг иктисодий ҳаётини яхшиламоқдир. Бизнинг холимизда яшаган дунёда бундай бир миллат йўқ.

Кечаги кун ҳақида айтсак, 9 миллион инсоннинг бир ойда топган пули 10 кунга етмаса, пахта майдонларидаги касалликлар натижасида, кимёвий моддалардан захарланиш натижасида 3 ярим миллиондан ортиқ одам сарик касал билан касал бўлса. Хар йили Ўзбекистонда 284 минг бола бир ёшга кирмасдан ўлса, икки йил ичида 753 та хотин-кизларимиз ўз-ўзига ўт кўйган бўлса, бундай ходисаларни ҳозирга қадар на ислом дунёси, на христиан дунёси кўрмаган. Бугунги Туркистондаги бошимизга тушган фалокатларни кўринг. Семипалатинскда очик ҳавода ташкил қилинган 140 нафар синалган атом бомбаларининг таъсирини кўринг. Сонсиз ўлган инсонлар, хайвонлар, захарланган инсонлар, касал бўлиб кўчада инграб ётган одамларни кўринг.

1930-йилда Хидир Алиев дегани қаби: “Пахта кизил империализм даврида қафан бўлди, қафан”. Буни унутмаслигимиз керак. Пахтадан воз кечмаймиз. Аммо пахта бизни эзмаслиги керак. Биз пахтани идора қилишимиз керак. Аммо пахта бизни кул қила олмайди. Бунга ҳеч кимнинг ҳақи йўқдир. Баъзилар, аввал, биз иктисодий жихатдан тараккий этайлик, мустақил бўлайлик, кейин сиёсий жихатдан мустақил бўлиб кетамиз деган ҳаёллардалар. Мен бу фикрда эмасман. Агар сиёсий жихатдан мустақил бўлмасангиз, яъни, ўзингизни ўзингиз идора этмасангиз, ўзингизнинг ҳудудингиз бўлмаса, сизга бутун қалби, виждони, имони-ла борлигини хизмат қилдирган давлат муассасаси бўлмаса, бундай ҳолда мен иктисодий тараккиётда бўламан, ундан кейин мен мустақил давлат сиёсатида юраман, дейиш ҳатодир ва бундай қиладиганларнинг ташвиқотлари бўлса, менимча, буларда бир ҳоинлик изи бор. Мумкин қадар сиёсий мустақилликни, аввал, ўртага қўйишимиз керак. Сиёсий мустақиллик эса ўзининг бутун борлиги ила иктисодий мустақиллигимизни таъмин эта билажакдир. Русларга муносабат масаласи бу ҳаётимизнинг муҳим масаласидир. Чор Русияси бўлсин, коммунизм бўлсин, рус халқининг исмидан ҳаракат этди. Бу ҳақиқатдир. Аммо бунинг учун рус миллати айбдор бўлолмайди. Ҳақат рус миллати ичидан чиққан баъзи бир одамларнинг ёмон табиати бордир. Булар ҳурриятчилик, яъни озодлик туйғуларини билмайди. Ўзилган бир мужикдан бир бошлик чиқариб қўйсангиз, эски мужикни эзиб бораверади. Бу эса руслардаги сиёсий характернинг бир кўринишидир. Алҳамдулилло, бундан қутила бошладик, яъни янгидан тузокларга тушиб қолмаслигимиз керак.

Энг яхшиси, русларнинг ҳокимияти остида эмас, руслар билан ёнма-ён, дўстона, бир-биримизга ёрдам ҳолда яшашга ўрганишимиз керак. Буни энг аввал, русларнинг, ўзлари ўрганишлари керак. Бизларнинг ўрганишимиз осондир. Биз кекчи, ўч олувчи одамлар эмасмиз. Бизнинг табиатимизда, динимизда, ҳуқуқимизда, анъанамизда бундай

нарсa йўқдир. Факат айтмок керакки, бизга карши килинган суиистеъмолни бундан кейин биз хазм эта билмаймиз. Аллох сизларга ёрдамчи бўлсин!

Сизларга бахт-саодат, миллатимизнинг истикболи учун энг яхши ниятли фаолиятлар, саломатликлар тилаб қоламан. Сизнинг каби хар ерда, хар замон калбим сизлар билан биргадир. Биз туркистонлик мужохидалар ва мужожирлар кўлимиздан келгани кадар Ватан учун хизматга хозирмиз.

Ватанимизга озодлик талаб этдик, ўлдик, ўлдирдилар, аммо яна миллатим яшамоқдадир. Сoг бўл, Миллатим!

Миллатимга хизмат килган кадрли миллатдошларим сог бўлсинлар. Аллох хаммамизни хар жойда химоя этсин! Омин.

Сўзларимни тинглаганингиз учун минг марта рахмат. Мени сўрасангиз, мен фалсафа фанлари доктори Боймирза ёркўргонлик Хайитмирзанинг ўгли, Туркистон тадқиқотлари институтининг мудир, Байналмилал Туркистон жамиятининг фахрий раисиман. Бутун мужожирларимиз отиндан сизларга калбий саломлар, хурматлар билдираман, оналаримизнинг кўлларида, укаларимизнинг кўзларида, сафдошларимизни юракдан кучоқлаб, хайр. Аллох саломатлик-ла кўришишга насиб этсин, деб умидларда колган ватанимизнинг бир фарзанди сифатида бу сўзларни айтишга, билдиришга, журъат кила билдим. Хатойим бўлса, Аллох кечирсин ва сизлар кечиринглар. Бу сухбатни ўғлим Бекмирзани 51 йилдан кейин илк дафъа кайта кўрганлигим учун, бунинг хурсандлиги, бунинг нашъаси, бунинг севгиси, бунинг фожиаси, бунинг хаяжони билан сўзладим.

Энди эмдийлигим келди, агар хато сўзлаган бўлсам, кўпол сўзлаган бўлсам, ишонаманки, менинг азиз миллатим кечиради. Аллох кечиргучидир. Унинг-да баробар Аллох бизнинг хаммамизга инсоф, баробарликда ишламок, баробарликда тушунмок ва миллатимизнинг келажагини ўйламок туйгусини, иродасини, кувватини берсин, омин!

Унолги тасмасидан окка кўчириб нашрга тайёрловчи Дадахон ХАСАН

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 1992-йил, 3-январ сонидан олинди.

ВАТАН СИЗЛАРНИКИ БЎЛГАНИ КАБИ МЕНИКИ ХАМДИР

– Мухтарам Боймирза Хайит! Энг аввало, ўзингиз хакингизда батафсил гапириб берсангиз. Зеро, сиз тугилган юртда бу ҳақда тўла маълумотга эга эмасмиз. Колаверса, бу борада турли хил фикрлар юради...

– Шахсим хакида батафсил сўзлаб бермок учун, аввало, хаёт хотираларимни эслашим керак бўлади. Аммо, бунгача саволларингизга киска бўлса-да жавоб беришим лозим. Чунки ёзганингиздек, ватанда мен хакимда турли хабарлар таркатилгандир. Мен 1917-йилда, Октабр инкилобидан бир ой кейин Кўкон мухторияти кунларида дехкон оиласида тугилган эканман. Бир она (Робия) ва бир ота (Хайитмирза)нинг 15 фарзандидан 9-симан. Бошлангич мактабни Наманган дахасининг (Кейин Уйчи дахаси) Ёркўргон кишлогида, ўрта мактабни Наманган шахрида, олий таълимни Тошкентда кўра олдим.

Мамлакатда “халк душманларини ва миллатчиларни” йўқ этиш давридаги “камашларнинг сотсиалистик мусобакалари” пайтида кўпчилик ўқитувчиларнинг қисмати камокхоналарга бориб такаларди. Шу боис кўп ерда ўқитувчилар етишмасдан қолганди. Шунинг учун мени ҳам 1938-йилнинг бошида бўлса керак, ўқитувчиликка сафарбар этишди. Тошкентнинг Бешёғоч маҳаллада жойлашган педагогика институтида киска вақт ичида “ўқитувчиликни” ўргатдилар. Дастлаб Тўрақўргонда муаллим бўлиб ишладим. Сўнгра Уйчи раёнига юбордилар. У ерда ҳам ўқитувчилик қилдим. Кейин раён маориф бўлимининг мудирини лавозимига тайин этдилар. Шу билан бирга Тошкентдаги педагогика институтининг тарих факултетига сиртдан ўқишга имкон бердилар. Кундузи вазифам билан, кечаси дарс тайёрлаш билан шугулландим. Давлат имтихонларини ёз ойлари (1939-йилда) топширдим. Шу йил “намунали ўқитувчи” эган ном бердилар ва менга “Хурмат белгиси” нишонини ҳам тақдим этдилар. 1939-йилнинг ёз ойларида ревматизм касалига учрадим. Шол бўлиб қолдим. Аввал, табибларнинг ҳаракати, Оллохнинг марҳамати ва Жалолободдаги шифо сувнинг таъсири боис ноябр ойида икки қўлтиқ таёқ билан зўрга оёкка турадиган даражага етишдим. Шу йилнинг ноябрида Уйчи раён ички ишлар шўбасининг бошлиғи Монгишев чакириб: “бизга сизни камаш хакида буйруқ келди”, деди. Мен: “энди нима учун бундай буйруқ? Октабрнинг боласи Октабрга қарши бўладими? Тухмат борми?”, дедим. Эртасига прокурор Болакеев йўқлади. У “сени камокка олишимиз керак. Аммо сени камокхонага юбормокка қаршиман. Бунинг учун Кизил Армияга кет”, деди. Мен “хўп” дедим. Орадан уч тўрт кун ўтгач, раён ҳарбий комиссариатининг сафарбарлик комиссиясидан даъват келди. У эрга бордим. Докторлар: “бу одам бундай касал экан, уни аскарликка қабул этишмайди”, деб қарор бердилар. Бир дўстим, Маргилонли Ўктам Аҳмад: “камокхонага кетгунча, Кизил Армияга кетиш яхшидир. Бунинг учун маршал Ворошиловга бир телеграмма юбориб, мен касал бўлганлигим учун ҳарбий хизматга олмадилар. Ватанга хизмат қилмокни истайман.

Бунинг учун мени армияга кабул этишингизга рухсат сўрайман”, деб ёз деди. Шундай килдим. Маршалдан буйрук келди. Кўлтик таёк билан сафарбар этилганлар сафига киритдилар.

1939- йилнинг 24-декабрида Наманган шаҳридаги оташарава (поезд) стансиясидан юк вагонлари ичига киритишди. Худо раҳматли онам: “ўғлим, мендан айрилмасдан аввал кариндош-уруғларимиз ва дўстларимиз каршисида калимайи шаҳодатни ўқи”, дедилар. Мен орзуларини ижро этдим. Ота-онам ва ватанимдан ажралган холда йўлга чикдим. Йўлда дардим огирлашди. Ватандошларимнинг химматлари билан улардан ёрдам кўрдим. Оллох уларга кўрсатган марҳамати учун кутлуг йўлласин. Бир ойдан кейин (1940-йилда) Полшанинг Чижов деган жойига келдик. Бизни кабул этган офитсер: “нима учун бу касал одамни бизга юборишган”, деди. Биз билан боровчи: “ўртоқ капитан, бу одам йўлда касал бўлди. Бунга кўлтик таёк топдик ва бу ерга келтира бордик, чунки хизмат этмокни истайди”, деди. Капитан докторнинг ихтиёрига хавола этди. Бахорга кадар тузалдим. Танк кисмига тайин этдилар...

Июл ойининг бошида (1941-йил) бомба парчаларидан бўлаги ўнг оёғимга келиб теккан эди. Бундай бир заиф, ярадор, оч ва сувсиз колган бир вақтда олмонларга асир тушдим. Асирлик бизни Зилитск шаҳри яқинидаги асирлар лагерига киритдилар. Бу лагерда олмонлар асирлар орасидан яхудийларни излаша бошладилар. Кандайдир бир одамга ўхшаган Оллохнинг бир хайвони, “булар (бизни кўрсатиб) яхудийлар” деб маълумот берибди. Олмон офитсери одамни сочиға, бурнига ва суннат ерига караб, “яхудий” деб қарор чиқаргач, буларни олиб ўлдиришарди. Навбат менга келди. “Отишга ол”, деб у буйрук берди. Мен ялинган холда таржимонга (таржимон бир лазгин эди, олмонча-русчани яхши билган кавказли яхудий экан) айтдим: “ўлдирмасдан аввал, икки ракат намоз ўқишга рухсат сўрайман”. Офитсер ўқисин, дебди. Намоз ўқидим. Дуо ўқиганимдан кейин, “амр этингиз, мен ўлимга хозирман”, дедим. Олмон офитсери хайрон бўлди. “Яхудий эмасмисан”, деди. Мен, “йўк, яхудий эмасман, мусулмон ва турк-ўзбекман”, дедим. У икки камчи урди ва кет, деди. Асирлар орасига қайтиб кириш насиб бўлди. Асирликнинг жабри-жафоларини баён этмок учун туйғу ва ирода этишмайди. Бу инсон ҳаётидаги фожиалар тўпламидир. Полшанинг Чнестахов шаҳрида асирлик кунларини бошимдан кечирдим. Бу лагерда, аввалон, ёрдамчи ишчи, ишчи, ошпаз, сўнгра биринчи ошхона бошлиги, гуржистонлик Гого Удигиндан кейин асирлар лагерининг ушбу ошхонасига мудир бўлдим.

1942-йилнинг киши. Асирларни икки олмон чўпон ити билан назорат этувчи бир олмон аскарлари ошхонага кириб: “сен итларимга овқат тайёрлай оласанми?” деб сўради. Мен, албатта, биламан, дедим. Фақат итларингиз нималарни яхши ейди, деб сўрадим. Булар ҳар қуни лаҳм гўшт ейди, деди. Менинг ҳунарим ошпаз бўлмагани боис энди нима киламан, деб хайрон бўлдим. Олмонга “гўшт, сабзи, гуруч ва тоза ёғ келтиринг, аввал

буни пишираман, есалар, унга караб харакат киламан”, дедим. Хўп, деди. Айтганларимни келтирди. Палов пиширдим: унинг итлари овкатни яхши ейишди. Хар куни палов килардим: аввал ўзим ейишим керак эди, чунки итларининг захарланишидан кўркар эди.

Асирлар лагерларида дунё тарихида кўрилмаган хўрликларни кўрдик. Биз ишонган давлат ва Сталин очикдан-очик байналмилал кизил ой жамиятига: “биз асирларни танитаймиз ва бунинг учун уларга ёрдам бера олмаймиз”, дейишган экан. Бунинг устига “доно ва дохий Сталин” ўзининг 270-сонли буйруги билан “совет асирлари каерда тутилса, шу ерда йўк этилсин”, деган “дохийёна”, аслида вахшийёна амрини билдирган. Бизнинг ахволимизга йиглайдиган “маймунлар” ҳам йўк, деган таассурот остида эдик. Оврупода икки туркистонлик – Мустафо Чўкай билан Вали Каюмхон – бизнинг фожиали кисматимизни ўрганганлар ва бизларни куткариш учун йўллар кидиришган. Шуни ҳам баён этайинки, Чнестахов шаҳридаги лагерда 260 мингга якин туркистонли асирлар тўпланганди. 1942-йилнинг баҳорига келиб факат 300 га якин юртдошларимиз тирик қолишди. Совук, очлик, касаллик кўпчиликнинг умрига зомин бўлди.

Олмонлар рус бўлмаган Кизил Армиядан келган асирларни кўнгилли ўларок аскарликка қабул қилишга қарор қилишганди. Шу асосда 1942-йилнинг март ойи ўрталарида Туркистон легиониға кирдим. “Аскар бўлиб, Туркистон учун курашамиз, Москванинг зулмидан ўзимизни, яъни халкимизни куткарамиз”, деган ёшлар Туркистоннинг нима эканлигини билмас эдилар. Легионнинг бир қисм холида, Туркистон фидойилари компаниясини ташкил этишган экан. Фидойиларда Туркистон тарихи ҳамда жугрофиясини ўргатадирган одамларни излаганлар ва уларнинг каторида мени ҳам бунга қобилиятли кўришган. 1942-йилнинг 6-октябрида бу ерда Туркистон тарихини ўргатиш билан машгул бўлдим. Мактабларда таълим олган вақтида ҳеч бир устозим Туркистон тарихи ҳақида таълимот бермаган эди. Туркистон тарихини ватанда, талабалик вақтида ва легионда, Бартолднинг “Туркистон тарихи” (русча), “Туркистон мўгул истилоси замонида”, “Туркистон маданий ҳаёти тарихи” (рус тилида) асарларини яхшигина ўзлаштирган эдим.

Уруш тугади. Урушнинг сабаб-укубатларини кўргандан кейин яна бир ҳаяжонли ҳаёт ичига киргандек бўлдик. Буларни орасида мен ҳам бор эдим. Кўп юртдошларимиз Совет Иттифокига қайтмасликни истадилар. Лекин уларни мажбурий равишда Совет Иттифокига йўлладилар. Баъзилардан, 800 га якин кишилар бу тарафларда қолиб қетишга муваффақ бўлдилар. Улар орасида мен ҳам бор эдим.

1956-йилдан эътиборан, Совет Иттифокида ва Туркистонда менга қарши, яъни

фикрларимга карши жиддий ташвикот бошладилар. Мени “ватан хоини”, соткин, гитлерчи, котил, империалистларнинг айгокчи-хизматчиси, Ўрта Осиё тарихини ва ленинча миллий сиёсатни сохталаштирувчи, пантуркист, панисломист, жосус, миллатчи” каби шиорлар билан тасвир этишга киришилди. Менга карши хисобсиз маколалар, рисоалар, китоблар ва радиоешиттиришлар уюштирилди. Бундай тухматлар билан халкимизнинг кўзини бўядилар, афкор умумиянинг фикрларини буздилар ва хатто чет мамлакатдаги дўстлари ва лаганбардорлари воситаси билан менинг фикр-фаолиятимга зарба бермок йўлидан кетдилар. Бу шунинг учундирки, кози очилиб, бошка эркинлик хаётини кўрмаган ёш авлод, советларнинг тухматчи ташвикоти таъсири остида колган бўлишлари ҳам мумкиндир. Энг яхшиси, менинг хаёт йўлим хакида бошка бир вақтда ва бошка шароит ичида муфассал ёзиш керак бўлади.

– Урушдан кейинги фаолиятингиз нималар билан боглик бўлган? Сизда ўтган йиллар мобайнида ватанга кайтиш хисси тугилганми?

– Урушдан кейинги фаолиятларим ҳам ўзига хос бир тарихга эгадир. Аммо буларни киска равишда ифода этишга ҳаракат қиламан. Урушдан кейин Олмония дорулфунунларидан бирида тахсил олмок орзусида эдим. Бунга муваффақ бўлдим. Мюнхен дорулфунунининг (1946–1950-йиллар) фалсафа факултетида, Ислом илмлари (араб, эрон, турк тиллари ва ислом тарихи), яъни янги замон тарихи ва славяншунослик (рус, украин, поляк, чех, словак, серб тиллари) бўлимида ўқидим. Имтихонларни топширгандан кейин “Кўкон ва Олаш Ўрда ҳукуматлари” мавзусида ёзган диссертация асосида фалсафа доктори унвонини олдим. 1951-йилдан эътиборан илмий тадқиқотлар билан машгулман. Оврупада тўғридан тўғри Туркистон тарихи ва маданияти билан шугулланувчи илм одамлари бўлмаганлиги сабабли менинг олмон профессорларим менга Туркистон тадқиқотлари билан машгул бўлиб, бу соҳадаги бўшлиқни тўлдиришга хизмат этишимни тавсия қилишди. Мен бир тарафдан буларни тавсияси ва асосан ўзимнинг ватан туйғуларимни ифодаси ўларок шу йўлдан боришни ният этдим. 1987-йилга қадар 9 китоб, 11 рисола, 260 дан ортиқ илмий ва оммабоп маколалар ёзиб нашр эттирдим. Буларнинг ёнида илмий анжуманларда Туркистон тарихи ва бу билан боглик бўлган масалалари мавзуида маърузалар ўқидим. Дунёнинг қайси мамлакатада, чет юртларда туркистонликлар бўлишсалар, у ерларда Туркистон миллий масалалари билан машгул бўлдим. Унинг натижасида кўп сонли дўстлар ҳам топдим. Ҳозир 1974-йилда ташкил этилган Туркистон Тадқиқотлари институтининг бошлиғи бўлиб, тадқиқотларга даъват этмокдаман. Бизнинг ватандаги юртдошларимиз фикрларини очик билдиришга, Горбачев жанобларининг ошкоралик сиёсати қўланкасида имкон топа олдилар. Мен эса мухожирлик хаётининг аччик-чучук шароитлари ичида аввалроқ фикрларимни манбалар асосида илмий жихатдан ишонганимдан кейин, билдириш имкониятига эга бўла олдим.

Иккинчи саволингизнинг кейинги кисмида “сизда ўтган йиллар мобайнида ватанга қайтиш хисси тугилмадими” деган жумла бор. Менда ватанга қайтиш туйғуси 1940-йил 6-январдан бери мавжуддир, чунки 1939-йил 24-декабрда оташ аравага чикканимдан кейин ўша куни Туркистон диёридан айрилдим. Шундан бери ватанга қайтиш туйғусидан ҳеч бир ажралган эмасман. Ватанга қайтишнинг ҳам ўзига хос бир саволи бор. Қайси шаклдаги ватанга қайтишим керак? Инсонлари инграган, кўз ёшларидан оккан конли дарёси хусусиятини билдирган ватанга келгиндиларгина эмас, узлуксиз равишда чет ҳокимият остида яшашга мажбур бўлган ватанга бораёми ёки мустақил ва озод ватанга бораёми? Қаноатимча, мен мустақил ва озод ватанимга қайтиб боришни истайман. Бу қарорим менинг виждонимнинг бўлинмас бир парчасидир. Кафасдан қутилган қуш яна кафас ичига қиришни ҳавас қиладими? Йўқ, бундай қила олмайман. Мен ватан деб 51 йилдан бери улугламоқдаман. Оллоҳ умр берса яна бир неча йиллар ҳайратларда бўларман. Лекин титраган, ҳақсиз, эзилган мазлумликка ўргатилиб, бизни “зағчалар” ҳолига келтирганларга раҳматномалар билдириш учун ватанга бора олмайман.

– Ўтган вақтда ватанингиз билан алоқа боғлашга ҳаракат қилдингизми?

– Ватан билан ўтган вақтда алоқалар ўрнатиш учун ҳаракатларда бўлдим. Натижа аъло бўлмади. Балки тузумнинг бюрократияси ва менинг ҳақимда у тарафларда юритилмоқда бўлган тухматлар натижасида бўлса керакки, ватан билан боғлана олмадим. Орадан 51 йил ўтгандан кейин менинг ҳаёт бўлган бир синглимнинг бор эканлигини ва ҳатто бир ўғлим ҳам бор эканлигини билдиришди. Буларнинг қанчалик тўғрилигини тўлиқ ўргана олмадим. Горбачев давридан илгари чет мамлакатларга илмий мажлисларга келган илм одамлари билан алоқаларни фақат мажлис пайтида боғладим. 1939-йил 24-декабрдан бери Ватандан хабар келмади.

– Ҳозирги кунда биз сизни ўзбек адабиётининг чет элдаги билимдонларидан бири сифатида биламиз. Айтингчи, сизнинг ижодий фаолиятингиз адабиётнинг қайси даврларини кўпроқ қамраб олган? 20-30-йиллар ўзбек адабиёти ҳақида сизнинг фикрингиз қандай?

– Саволингизда менинг ўзбек адабиётининг чет эллардаги билимдони сифатида танилганимни баён этган экансиз. Мен адабиёт тарихчиси эмасман. Тарихчиман. Тарих ичига адабиёт руҳий ҳаётнинг муҳим бир қисми шаклида ҳам қиради. Бунинг учун тарих тадқиқотларида адабиётимизнинг яқин ўтмишимиздаги кўринишларига ҳам бироз диққат берган эдим. Бир тарихчи сифатида айтишим мумкинки, 20-30-йиллар адабиёти бир томондан, яъни янги даврда қоронғи кечалардан ёруғликка чиқиш нурларини кўрмоққа бошланган бир даврда ва бир тарафдан “пролетар адабиёти”, кейинроқ эса

“сотсиалистик таълим” деган окимнинг адабий хаётимизга киритилишининг бошланишидир.

– Адабиётимизнинг босиб ўтган йўлини қандай баҳолайсиз? Бугунги ўзбек ижодкорларидан кимларнинг асарлари сизга маълум?

– Адабиётимизнинг босиб ўтган йўли фожиялар йўлидир. Жаҳид адабиёти очик туйғуларни ташвиқ этган бир даврда унга зарба берилди. “Шаклан миллий, мазмунан сотсиалистик маданият” яратиш деб маданиятсизлар орасига ёки каторига киритиб юборган эдилар. Табиийки, Ойбек, Абдулла Каххор каби адибларнинг таъсирлари ва ижодий жозибалари ўткирдир. Аммо буларнинг сони оздир.

– Жумхуриятимизнинг мустақиллик йўлидаги дастлабки қадамлари сизни кизиқтирадими?

– Ватаннинг мустақиллиги фақат менигина эмас, балки ҳамма мухожирларнинг, булардан копроқ ва жиддийроқ халқимизнинг истагидир. Бунга кизиқмаган кишини орамиздан топа олсак, у вақтда буюк устозимиз Мир Алишер Навоийнинг “Одамий эрсанг демагил одамий, оники йўқ халқ ғамидин ғами” деган хикмати билан жавоб беришимиз мумкин. Бугунги ватанда мустақиллик ҳақида сўзлашлар кўп, лекин бу соҳада ҳатто мустақилликнинг чегарасига кела олмадик. “Холва” деганимиз билан оғзимиз ширин бўлмайди”, деган халқ мақолига назар солайлик. Бизнинг илм одамларимиз, айниқса, ташвиқотчиларимиз Сталин ва ундан кейинги ҳукуматлар даврида ҳам “суверен жумхуриятмиз”, деб айтар эдилар. Ватанда бошланган мустақиллик ҳаракати севинчли ва умидли ҳамда миллий ироданинг яққол кўринишидир. Биз чет элларда ватанга мустақиллик берилсин, деган фикр билан ҳаракатда бўлиб келмоқдамиз. Миллий мустақил бўлмасдан аввал бизлар байналмилалчи бўлолмаймиз. “Пичокни ўзингга ур, оғримаса бировга” деганлар. Биз ўзимизни танимасдан, қандай қилиб бошқаларни яхши таний оламиз? Ватанда бошланадиган мустақиллик талаблари орзуларимнинг табиий кўринишидир. Бу бизга сўзсиз ва шартсиз керак. Агар бунга эриша олмасак, у вақтда бизни асрлардан кейин йўқ қилиб юборадилар. Миллий мустақиллик миллатлар орасида ҳамкорликни ва уларнинг бирини бошқасига нисбатан ҳурматини оширади. Мустақиллик сўзлари бошланди. Бу истакни амалга ошириш учун ташаббусларнинг бор эканлигини, ҳатто жиддий эканлигини ўрганмоқдамиз. Ниятга етмок учун қиладирган кўпгина юмушларимиз бор. Булардан бир қисми билан бандмиз, уни декабр ойининг бошларида (1990-йил, Истанбул) тўпланган иккинчи байналмилал Туркистон қурултойида баён этган эдим. Маърузамни таҳрир қилмаган ҳолда ёзув орқали билдирган эдим. Бу ёзувни Тошкентдан келган қузатувчи юртдошларга ҳам

бердик. Мустакиллик масаласида менинг фикрларимни ўрганишни истаган юртдошларимиз топилса хурсанд бўлардим. Шу боис уни “Мулокот”га юбориб, балки уни танкидий нуктаи назар юзасидан эълон этилиши мумкин.

– Олмонияда яшаётган ўзбеклар билан алоқангиз қандай? Улар нима билан шугулланишади? Қайси мамлакатлардаги ватандошларингиз билан алоқа ўрнатгансиз?

– Менинг Олмонияда яшаётган ўзбеклар билангина эмас, балки барча туркистонликлар (ўзбек, козок, киргиз, тожик, туркман, қорақалпоқ, уйғурлар) билан ҳам яқиндан алоқаларим бор. Шунинг билан бирга дунёнинг қайси мамлакатларида (чет элларда) туркистонликлар бўлсалар, уларнинг кўпчилиги билан алоқаларим ва дўстлик-ватандошлик ҳамда гоё бирлигимиз мавжуд. Ватандошлар ўз имкониятларига кўра турли соҳаларда ишлашади. Уларнинг ҳаёт шароити ёмон эмас. Ораларида бойлар ҳам кўп (бой сўзини ёзар эканман, юрагим бироз титради, чунки Туркистондаги катлиомнинг жирканч кўринишларидан бири бойлар масаласи эди).

– Агар сизни Тошкентга таклиф қилишса, келармидингиз? Ватандошларингизга айтадиган биринчи сўзингиз нималардан иборат бўларди?

– Тошкентга даъват қилишса, келармидингиз, деган саволингизнинг ҳазилкашликми ёки жиддий эканлигини билмадим. Мени нега Тошкентга таклиф қилишмоқчи? Ватан сизларники бўлгани каби меники ҳамдир. Ватанимга мен даъватсиз боришим керак. Бунинг учун эса шарт-шароитлар етарли эмас. Хар бир шахсда шон-шараф ва иззат-орият туйғуси бор. Мени 35 йилдан кўпроқ вақт ичида “Ватан хоини”, “котил” деб келган мамлакатга бориб: “сизлар ватанпарварсизлар!”, “сизлар адолатлисизлар” десам қандай бўларкин? Мана энди замон нақадар бузилдики, бир “ватан хоини” совет ватанпарварлари билан бирга ўлтириб қой ичайлик ёки муаммоларни барабар муҳокама этайлик!?

Ватанга борадиган бўлсам, айтадиган сўзларим жуда ҳам кўп. Аввало, миллий мустакиллик учун кураш масалаларини баён этар эдим. Сўнгра руслар билан туркистонликлар орасида ўтмишдаги ва келажакдаги муносабатлар, миллий маданиятимизни қурмоқ, Исломи дини ҳаётини тикламоқ, ўзимизни ўзимиз танишимиз, ҳозирги иқтисодий бўҳрондан қутулмоқ, халқнинг ҳаёти ва тўқ яшаши йўллари каби масалалар, тарихимизнинг сохталаштирилишига қарши курашнинг зарурлиги, дунё халқлари орасидаги мавқеимиз, Туркистон ташқарисида Туркистон масалаларидаги

таджикотларнинг кўринишлари, энг охириги муҳим масалалар сифатида Ўрта Осиё ва Козогистон атамаси ўрнига Туркистон атамасининг тикланиши каби масалалар хақида фикрлар билдирар эдим.

– Оилангиз, фарзандларингиз хақида сўзлаб бера оласизми? Улар ўзбек тилини билишадими? Рўзгор тутиш тартибингиз қандай?

– Оилавий ҳаётим хақида маълумот беришим мумкин. Хотиним – олмон, тиббия докторидир. Уч фарзандимиз ва олти набирамиз бор. Улар дорулфунун таълимини олишган. Икки ўғил – нашриётчи. Кизимиз спортчи, яъни спорт муаллимаси. Чўлок, кўр, жинни, юраги огир хасталарни ва қарияларни спорт йўли билан соғлом тутиш соҳасида ишлайди. Ўзбек туркчасини ўргана олмадилар. Туркистонга боғлиқдирлар. Оила ҳаётимиз самимийдир. Фарзандлар, келинлар ва куёв, набиралар ҳар ҳафтада бир дафъа уйимизга келиб, Фаргона паловини еб, оилавий маслаҳатлашиб кетадилар.

Сўзларимни сизларга раҳмат билдириш билан битирмокчиман. Чунки юрагимда тўпланган зардобларимни чиқаришга имкон берган бўлдиларингиз. Саломат қолингизлар. Менинг фикрларимни ўқийдиганларга ҳам чандон раҳматлар билдираман.

Ислом УСМОНОВ сухбатлашди.

“Мулоқот” журнали, 1991-йил, Май